

ISSN:3060-4567 Modern education and development
ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК
ПОЗИЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ
ТАХЛИЛИ (тарбия фани мисолида)

Абдуллаев Дилшодбек Юлдашали ўғли

Наманган давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

[*abdullayevdilshodbek1992@mail.ru*](mailto:abdullayevdilshodbek1992@mail.ru)

+99897-214-48-08

Аннотация: Мақолада фуқаровий фаолликни ижтимоий-сиёсий ва меҳнат фаолиятига ижодий ёндашув сифатида баҳолаш ва юқори синф ўқувчиларида фаол фуқаролик позициясини шакллантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий ва педагогик асослари ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: фуқаро; фуқаролик; фуқаролик тарбияси; Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси; “Тарбия” фани; фуқароликнинг таркибий қисмлари.

Аннотация: В статье идёт речь, о педагогических основ и правовых норм формирования активной гражданской позиции старшеклассников и оценка гражданской активности как творческий подход к социально-политическую и трудовую деятельность.

Ключевые слова: гражданин; гражданственность; гражданское воспитание; Концепция непрерывного духовного воспитания; наука "Воспитание"; компоненты гражданственности.

Annotation:The article discusses the legal, regulatory and pedagogical basis for the assessment of civic activism as a creative approach to socio-political ,labor activities and the formation of active citizenship in high school students.

Key words: citizen; citizenship; civic education; Concept of continuous spiritual education; science "Education"; components of citizenship.

Ўзбекистон Республикасида мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган ислохотларнинг туб моҳияти аҳоли турмуш тарзининг фаровонлигини ошириш, фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти ва савиясини юқори даражага кўтариш, уларда аниқ фуқаролик позициясини ривожлантиришда ўз ифодасини топади. Бундай мураккаб вазифани амалга оширишда даставвал ўқувчиларда фуқаролик позициясини ривожлантириш йўллари тақомиллаштиришдан иборат.

Инсонга ёшлигидан сингдирилган маданий-маънавий қарашлар, ахлоқий қадриятлар, анъаналар, диний-руҳий туйғулардан иборат. Бу бўғинда у оиласи, қариндош-уруғлари, маҳалласи, миллати, юрти билан бирлиги, унинг таркибий қисми эканлигини ҳис этади. Натижада, унинг онги ва қалбида миллий ғурур, ватанпарварлик туйғуси шаклланади. Бу жараёнда ўқувчида ҳақиқий фуқаролик позицияси шаклланади.

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларида ёшларга оид давлат сиёсатини тақомиллаштириш мақсадида жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш¹ зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев бу борадаги вазифалар хусусида сўз юритиб, “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деган ғоя асосида кенг кўламли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Узлуксиз

¹ “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ**. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонида 2-ИЛОВА.

маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ёшларни мустақил ҳаётга дунёқараши кенг, фаол фуқаролар этиб тарбиялаш мақсадини кўзлаб қабул қилинди.

“Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси”да Ватанга садоқат, бурч ва масъулият, ташаббускорлик ва бошқа фазилатлар ёшлар онгида назарий тушунча сифатида қолиб кетгани ҳолда унинг табиатида амалий одатларга айланмаётганлиги, бунинг оқибатида уларнинг ушбу фазилатлар ҳақидаги сўзлари билан амаллари орасида тафовут намоён бўлаётгани, бу эса ҳар йили мустақил ҳаётга кириб келаётган йигит-қизларнинг ҳаётда ўз ўринларини олишларида бир қатор муаммоларни келтираётганлиги² алоҳида таъкидлаб ўтилди. Фуқаровийлик дастлабки қарашда ҳуқуқшуносликка оид атама сингари туюлади. Аслини олганда бу ҳодисани фалсафий, ҳуқуқий, социологик, сиёсий ва педагогик моҳияти мавжуд.

Фуқаровийлик бир давлатга мансубликни англаш, давлатга содиқлик ҳамда ватанпарварлик ҳисси сифатида талқин этилиши мумкин. Бунда давлатни, конституцияни, давлат рамзларини ҳурмат қилиш, давлат тузумини ва қонун устуворлигини ҳимоя қилишга тайёрлик назарда тутилади. Фуқаровийликни инсонга ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий ва сиёсий жиҳатдан лаёқатли эканлигини ҳис этишни таъминловчи жамловчи тушунча сифатида ҳам талқин этиш мумкин.

Концепцияда белгиланган вазифаларни оила ва узлуксиз таълим тизимида амалга ошириш боқичлари ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларининг I-XI синфлари учун “Одобнома”, “Ватан туйғуси”, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”, “Динлар тарихи” фанларини бирлаштирган ҳолда “Тарбия” фанини жорий этиш белгилаб берилди.

Шунингдек, концепцияда умумтаълим мактабларининг ўрта ва юқори синф ўқувчиларини маънавий-ахлоқий тамойиллар асосида

² Узлуксиз маънавий тарбия КОНЦЕПЦИЯСИ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон қарорига 1-ИЛОВА. 2019 йил 31 декабрь.

тарбиялашда: ўсмирлик ёшига хос ички позициянинг пайдо бўлиши; ижтимоий фаоллик, билишга интилиш ва ўзини намоён қилиш мотивларининг ривожланиши; фуқаролик позицияси, ўзи ва атрофдагиларга ҳамда жамиятга муносабат асосларининг шаклланишини инобатга олиниши лозим бўлган жиҳатларга эътибор қаратиш кўзда тутилди.

Умумтаълим мактабларида ўқитиладиган “Тарбия” фани давлатнинг таълим-тарбия соҳасидаги сиёсатини амалга оширишда мавжуд бўлган долзарб муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган бўлиб, ўқувчиларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, уларнинг ҳар томонлама ижтимоийлашувига кўмаклашиш, самарали ҳамкорлик қилиш, вақтини мазмунли ташкил этиш, миллий, маънавий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш, ўзларининг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга хизмат қилади³.

В.Далнинг таъкидлашича, “фуқаровийлик фуқаролик жамиятини тузиш учун жамиятнинг онги ва билими даражасини ифода этган ҳолатдир”.

Фуқаролик туйғуси эса ўқувчининг “Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган маданий жараёнлар ахлоқий қадриятларнинг ўтмиш билан келажакни узвий алоқадорлигини таъминлаб, тарихий мероснинг нодир неъматларини ўзгартириш асосида шаклланади”.⁴ Фуқаролик жамиятининг асосий мезонларидан бири бу фуқароларнинг юксак даражада онг ва маданиятга эга бўлишлари ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, фуқаролик жамиятида фаол, ташаббускор, ғайратли, фақат яратувчанлик, ижодкорлик руҳи ва кайфияти билан яшовчи шахсларга эътибор ва эҳтиёж катта бўлади. Бундай юксак интеллектуал салоҳият тафаккур эркинлигининг қай даражада шаклланиши билан узвий боғлиқ. Жамиятнинг инсон учун яратган реал иқтисодий қулайликлари ва имкониятлари, юридик ҳақ-ҳуқуқлари,

³ Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун "Тарбия" фани КОНЦЕПЦИЯСИ. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 июлдаги 422-сон қарорига 3-ИЛОВА

⁴ Даль В.И. Толковый словарь живого великорусского языка (современное написание слов). Изд. “Цитадель”, г. Москва, 1998 г

қарор топган ахлоқий ва маънавий муҳит унинг тафаккури эркин, илғор ва юксак идеалларни кўзлаши билан уйғунлашмоғи лозим. Тадқиқотчиларнинг кузатишича, ўқувчиларнинг ижтимоий воқеликка янги, мустақил ва эркин тафаккур асосида ёндашиши юқори кўрсаткичга эга. Айтиш мумкин, психолог ва педагог олимларнинг фикрича, янги шаклланаётган фуқаролик жамияти ривожини кўп жиҳатдан шахс онги, характери ва дунёқарашини коррекциялаб боришни талаб қилади.

Фуқаровийлик бир тарафдан жамиятда шахснинг олий даражада мустақиллигини, иккинчи тарафдан эса кишиларнинг жамият ҳаётидаги иштирокида намоён бўладиган юқори даражадаги бирдамликни назарда тутувчи қарашлар мажмуини ифода этади.

Қуйидагилар фуқаровийликни ифода этувчи муҳим жиҳатлар каторига киради:

- *фуқаронинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини тушуниши ва уни амалиётда қўллаш кўникмаси;*
- *бошқа фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиш;*
- *фуқаронинг ўз хатти-ҳаракати учун шахсий жавобгарлиги;*
- *давлат ва жамият олдида ўзининг ҳуқуқий ва ахлоқий масъулиятини англаш;*
- *фуқароларнинг тенглиги;*
- *юксак маънавий-ахлоқий мезонларга асосланган ҳолда ижтимоий воқеликка нисбатан объектив ва танқидий ёндашув;*
- *ҳокимият билан, бошқа фуқаролар ва жамоат бирлашмалари билан ижобий мулоқот юритиш қобилияти;*

Юқори ўқувчиларда фаол фуқаролик позициясини ривожлантиришнинг мазмуни шундаки, фуқаролик маданияти шаклланган муҳитда одамларда сиёсий ҳаётда иштирок этиш эҳтиёжи пайдо бўлади. Фуқаролик маданияти кучайиб борган сари одамлар сиёсий жиҳатдан

фаоллашиб, партияларга аъзо бўлиш тенденцияси кучаяди.⁵ Демак, сиёсий партиялар аъзолари сони ва сифатининг ошиб бориши даражаси ҳам фуқаролик маданиятини кўрсатувчи мезонлардан биридир. Фуқаролик маданияти ўқувчининг жамиятдаги фаол аъзоси сифатида маълум ҳақ-ҳуқуқларга эга бўлиш билан бирга ўз зиммасидаги бурч ва мажбуриятларни виждонан адо этишдир. Юқори синф ўқувчиларида фаол фуқаролик позициясини шакллантириш – уларга мустақил давлат тузилмасининг хусусиятлари, мамлакатнинг халқаро майдонда тутган ўрни, ватанпарварлик ва миллатлараро дўстлик туйғулари, республикамиз иқтисодиётини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ижтимоий ҳаракатлар, меҳнат анъаналари, миллий истиқлол ғояси ва мафкура асослари ҳақидаги билимларни бериш асосида уларда фуқаролик ҳиссини зиммаларидаги бурч ва мажбуриятларни бажаришга нисбатан масъулият, ёт мафкуравий қарашларни англаш ва унга қарши бўлиш, ижтимоий фаоллик ва фидойилик каби сифатларни мужассамлаштирган яхлит бир тарбия жараёни ҳисобланади.

Фуқаро бир вақтда ўз бурчи ва мажбуриятларини чуқур англовчи, жамият ҳаётини йўлга қўйишда фаол иштирокчи, ҳуқуқий жамият олдида турган жорий ва истиқбол вазифаларни ҳал этувчи, жамиятни бошқаришда бевосита ва билвосита иштирок этувчи, мамлакат қудратини мустаҳкамлаш йўлида моддий ва маънавий бойликларни яратувчи, миллий қадриятларни асраб-авайловчи, миллий анъаналарга содиқ, миллат вакиллари томонидан халқаро майдонларда қўлра киритилаётган ютуқлардан фахрлана олувчи, миллат ва мамлакат обрўси учун курашувчи, Ватан мудофаасини таъминловчи шахс сифатида намоён бўлади.

Инсонни ихтиёрий фаолият, яъни кўнгилли ишга чорловчи истакнинг негизида ҳар бир кишига хос бўлган шахсий ва ижтимоий эҳтиёжлар ётади. Жумладан, бошқаларга наф келтириш, ўзини намоён

⁵ Мусаев Ф. Эркинликнинг ҳуқуқий асоси // Тафаккур журнали. –Тошкент: 2002. - № 2. – 84 б.

қилиш ва мулоқот истаги кишини фаолликка етаклайди.⁶ Кишида ижтимоий жиҳатдан эътирофга бўлган эҳтиёж ҳам мавжуд. Профессинал ва ҳаётий тажрибани қўллаш истаги ҳам кишини шундай фаолиятга чорлаши мумкин. Ўз имкониятларини ишга солиш, ўз ғояларини татбиқ этиш истаги ҳам кишини ҳаракатлантирувчи кучга айланиши мумкин. Ижтимоий жараёнларга таъсир кўрсатиш ва иштирок этиш эҳтиёжи ҳам кишини фаолликка етаклайди.

Кўнгилли фаолият инсон учун ўз шахсий эҳтиёжлари билан жамият эҳтиёжларини уйғунлашган ҳолда ҳаётга татбиқ этиш учун ўзига хос имкониятдир. Бу эҳтиёж кишиларнинг ўз ахлоқий бурчларини англаш ҳамда инсоннинг баркамоллигидан далолат беради. Кўнгилли фаолият юритар экан инсон ахлоқий жиҳатдан такомиллашиб боради, мулоқот маданиятини ривожлантиради, ўзаро ҳамкорлик ва биродарлик ҳиссига, инсонпарварлик туйғусига эга бўлади. Кўнгиллилик фаолияти фаол ва ижодий характерга эга бўлиб, инсон ўз салоҳиятини намоён этиш имкониятига эга бўлади. Бу фаолият теварак атрофда рўй бераётган воқеа ҳодисаларга нисбатан фаол муносабатнинг шаклланишига, сиёсий воқеликка зийрак назар билан қарашга ёрдам беради.

Фаол фуқаролик позитсиясининг тугал ёки тўқис эканлигини қуйидаги мезонлар воситасида талқин қилиш мумкин:

1. Агар фуқаролик позитсия ҳали шаклланмаган, фуқаролик хусусиятлари, ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашиш истаги тўлиқ намоён бўлмаса фуқаролик позитсиясининг энг қуйи даражаси намоён бўлади.

2. Фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашишга мойил бўлса, у ҳақда ўз билим ва қобилиятини намоён қилишга тайёр бўлса, бунда фуқаролик позитсиясининг ўрта даражаси намоён бўлади.

3. Агар ўқувчида фуқаровий хусусиятлар ҳамда фаол фуқаролик позитсияси тўлиқ шаклланган, ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун амалий ҳаракатга

⁶ Саидқосимов А. Сиёсий фаоллик ва фуқаролик маънавияти // Жамият ва бошқарув. –Тошкент: 2007. - №2, -Б. 50 -51.

кириш иштиёки якқол намоён бўладиган бўлса уни юқори даражада фуқаролик позитсиясига эга шахс сифатида талқин этиш мумкин.

Баҳолаш мезонлари учун қуйидаги кўрсаткичлар асос қилиб олинди:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мазмуни ва моҳиятини билиш даражаси.
2. Ўқувчида ватанпарварлик ҳиссининг намоён бўлиши.
3. Ўзини фуқаро сифатида ижтимоий ҳис этиши.
4. Устувор ҳаётий қадриятлари ва мақсадлари.
5. Фуқаролик позитсияси ва уни амалга ошириш омиллари ҳақидаги тасаввурлари.
6. Фуқароларнинг ҳуқуқларини билиши ва ундан фойдаланиш малакаси.
7. Фуқароларнинг мажбуриятлари ва унга муносабати.
8. Ўқувчининг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий фаоллиги.
9. Ўқувчининг ҳуқуқий билимдонлиги.
10. Давлат ва жамиятда бўлаётган ўзгаришлар, ислохотларга муносабати.

Шунингдек, ўқувчиларнинг “фаол позитсия” тушунчаси моҳиятини англаб этишларини аниқлаш учун қуйидаги мезонлар белгиланди:

- ўз ҳаётига янгича нигоҳ ташлашга тайёргарлиги;
- долзарб муаммоларни пайқашга тайёргарлиги;
- мавжуд муаммоларни мустақил ҳал этишга ҳаракат қилиши;
- ижтимоий-сиёсий фаолиятнинг бошқа субъектлари билан биргаликда иш кўришга тайёрлиги;
- ҳаётий мақсадларга мустақил эришиш жараёнида ўз майлларини тийишга интилиши.

Тажриба-синов ишларининг шакллантирувчи босқичида юқори синф ўқувчиларида фаол фуқаролик позитсиясини шакллантириш мақсадида тажриба синфларида ишлаб чиқилган дарс ва дарсдан ташқари таълимий, маданий, маърифий-тарбиявий ишлар амалга оширилди.

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА
ЎҚУВЧИЛАРДА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИТСИЯСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАЪНАВИЙ-
МАЪРИФИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

№	Маънавий-маърифий чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Масъуллар, ҳамкорлар
1.	«Ватанга хизмат — олий фазилат» мавзусида давра суҳбати	Ўқувчиларда Ватанга садоқат, мардлик ва жасурлик хислатларини тарбиялаш мақсадида ҳарбий қисмлар ва ҳарбий таълим муассасалари билан маънавий-маърифий йўналишларда ҳамкорликни йўлга қўйиш. Ҳарбий қисм офитсерлари, сержантлари ва Қуролли Кучлар фахрийлари иштирокида учрашув ташкил қилиш.	Ёшлар этакчиси, синф раҳбарлари
2.	“Замондош” ўқувчилар ижодий театр-студиясини ташкил этиш	Истеъдодли ўқувчилар иштирокида Ватан тарихи ва қаҳрамонлари ҳаётини саҳналаштириш	
	"Ўзбекистон - менинг Ватаним!" мавзусида ижодий ишлар танлови	Мактаб ўқувчилари ўртасида ижодий ишлар танловини (шеър, ҳикоя, тасвирий санъат ва бошқа) ўтказиш.	
3.	«Янги Ўзбекистоннинг муносиб авлодлари»	Таниқли арбоблар, спортчилар ва бошқа соҳаларнинг илғор	

	мавзусида ижодий учрашув ташкил этиш.	вакиллари билан учрашувлар ташкил этиш.	
4.	«Давлат рамзлари — фахрим, ғурурим» мавзусида адабий- бадий тадбир ташкил этиш	Тадбир давомида ўқувчиларга машғулот ўтказиш учун услубий материалларни тайёрлаш (маъруза матни, тақдимот, бадий ва хужжатли филмлар).	
5.	“Депутат ва ёшлар” мавзусида учрашув ташкил этиш	Депутатларнинг мактабга ташрифини уюштириш.	
6.	“Конститутсия – бахтимиз қомуси” мавзусида интеллектуал беллашув ташкил этиш.	Синфлараро беллашув ташкил этиш	
7.	“Мустақиллик даври қаҳрамонлари” мавзусида медиа маҳсулотини яратиш ойлигини ўтказиш	Замонамиз қаҳрамонлари ҳақида ижтимоий видеороликлар ва мақолалар тайёрлаб, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда ёритиш.	
8.	«Ким юртига содиқ бўлса, мендирман ўша!» шиори остида спорт мусобақаларини ўтказиш	Умумий ўрта таълим муассасаларида миллий қаҳрамонларнинг жасоратлари бўйича спорт ўйинларини ташкил қилиш.	

9.	“Менинг фуқаролик бурчим” мавзусида тақдимотлар танловини ташкил этиш	Ўқувчилар ўртасида волонтерлик фаолиятини йўлга қўйиш.	
10.	“Замонамиз қаҳрамонлари” мавзусида видеороликлар танловини ташкил этиш.	Тарихий, адабий ҳамда замонамиз қаҳрамонлари ҳақида туркум рисолалар, аниматсион, ҳужжатли ва бадиий филмлар, роликлар яратиш.	
11.	«Уч авлод учрашуви» лойиҳасида мулоқот ўтказиш	Уруш ва меҳнат фахрийлари, истеъфодаги ҳарбийлар иштирокида уч авлод учрашувларини ташкил этиш. Ўз соҳасида юқори натижаларга эришган маданият, адабиёт, санъат ва фан арбоблари, тадбиркорлар иштирокида «мактаббай» тизимида учрашувлар ўтказиш.	
12.	“Фаол фуқаро – барқарор ва фаровон жамият бунёдкори” мавзусида саёҳат-дарслар ўтказиш.	Ўқувчиларни мамлакатимизда илмий ва ижодий мактаб яратган атоқли олим ва ижодкорларнинг уй-музей ҳамда ишхоналарига саёҳатга олиб бориш.	
13.	«Мен — Янги Ўзбекистон фарзандиман!»	Янги Ўзбекистоннинг маънавият масканларига саёҳатлар уюштириш, суҳбатлар ўтказиш.	

	мавзусида давра суҳбати ташкил этиш.		
14.	«Соҳибқирон Амир Темур — марказлашган миллий давлатчилик асосчиси» ғояси асосида ўқувчилар онгида юрт озодлиги учун кураш, халқпарварлик, ва бунёдкорлик туйғуларини тарбиялаш.	«Темур тузуклари» асари асосида ўқувчилар ўртасида «Заковат» интеллектуал ўйинларини ўтказиш.	
15.	«Амир Темур ва Темурийлар ибрати» мавзусида давра суҳбатлари ташкил қилиш.	Адабиётшунос ва тарихчи олимлар билан учрашувлар ташкил этиш.	
16.	“Ватан тақдири – менинг тақдирим” мавзусида учрашув ташкил қилиш.	Жадидчилик намояндаларининг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларини педагогик амалиётга жорий этиш бўйича семинар ва давра суҳбатларини ташкил этиш.	
17.	«Бир таҳдидга беш зарба» технологияси асосида семинар-	ўқувчиларда Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш маданиятини шакллантиришга	

	тренинглар ташкил қилиш.	қаратилган ўқув-семинарлар, тренинглар ташкил қилиш.	
18.	«Жаҳолатга қарши маърифат» мавзусида таниқли учрашувлар уюштириш.	таниқли диний уламо ва мутахассислар билан учрашувлар уюштириш.	
19.	“Маънавиятга таҳдид – миллий тикланиш кушандаси” мавзусида ўқув семинари ташкил этиш	Бадийий филмлар намойиш қилиш	

Айнан фуқаровий фаолликнинг ўзи бир неча жиҳатлар билан ажралиб туради;

- *фаол фуқаро гуруҳига мансуб кишилар асосан сиёсий ва иқтисодий тизим тўғрисида билим олишга тайёр бўлган кишилардан иборат;*

- *фаол фуқароларда ўз ҳақ-ҳуқуқларини фаол амалга ошириш учун билим ва қобилият мавжуд; - фаол фуқароларда ана шу билимларни жорий қилиш учун кўникмалар мавжуд бўлади.*

Юқори синф ўқувчилари шахсининг шаклланишида фаол фуқаролик позициясини ўрни ва унда ижтимоий муҳитнинг таъсирини ҳам ҳисобга олиш кутилган натижани кафолатлайди. Зеро, ижтимоий муҳитда рўй бераётган ҳолатлар, уларнинг йўналишлари, мазмуни ва моҳияти, жамиятда устувор ўрин эгаллаган ижтимоий-ҳуқуқий қарашлар ўқувчиларнинг шахс сифатида шаклланишига бевосита таъсир этади.

Хулоса ўрнида шуни келтириш жоизки, ўқувчиларда фаол фуқаролик позициясини маънавий-ахлоқий ва педагогик хусусиятларини ўрганиш

орқали, уларни жамиятда олиб борилаётган сиёсий ислохотларга бўлган муносабати, қараши ва иштирокини аниқлаш мезонларини такомиллаштириш мумкин. Мактаб тизимида юқори синфларда ўтказиладиган сиёсий тадбирлар ва форумлар ўқувчиларда фаол фуқаролик позициясини ривожлантиришига замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ**. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармониغا 2-ИЛОВА.
2. Узлуксиз маънавий тарбия **КОНЦЕПЦИЯСИ**. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон қарорига 1-ИЛОВА. 2019 йил 31 декабрь.
3. Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун "Тарбия" фани **КОНЦЕПЦИЯСИ**. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 июлдаги 422-сон қарорига 3-ИЛОВА
4. Даль В.И. Толковый словарь живого великорусского языка (современное написание слов). Изд. “Цитадель”, г. Москва, 1998 г
5. Мусаев Ф. Эркинликнинг ҳуқуқий асоси // Тафаккур журнали. – Тошкент: 2002. - № 2. – 84 б.
6. Саидқосимов А. Сиёсий фаоллик ва фуқаролик маънавияти // Жамият ва бошқарув. –Тошкент: 2007. - №2, -Б. 50 -51.
7. Карпова Н.В. Политическая культура в процессе становления гражданского общества// Вестник Московского университета. – Сер. 18 : Социология и политология. – 2006. – №1.